



## МАРКАЗИЙ ОСИЁ АЛЛОМАЛАРИ АСАРЛАРИДА МАЬНАВИЙ- АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ

*Ашуррова Марҳабо Сайфуллоевна*

*Бухоро Давлат Университети мустақил изланувчиси*

**Аннотация:** Ҳар қандай давлатда маънавият асослари кучли бўлса, у давлат ҳар томонлама мустаҳкам бўлади. Аслида бу тушунча шарқ алломалари асарларида маънавий ахлоқий тарбия тушунчаси орқали ёрқин ёритилгандир.

**Таянч сўз ва иборалар:** одоб, ахлоқ, тарбия, ахлоқий тарбия.

Ҳар қандай давлатда маънавият асослари кучли бўлса, у давлат ҳар томонлама мустаҳкам бўлади. Аслида бу тушунча шарқ алломалари асарларида маънавий ахлоқий тарбия тушунчаси орқали ёрқин ёритилгандир. Жумладан Жалолиддин Румийнинг педагогик қарашларида ҳам инсоннинг ҳаётдаги мақсади, интилишлари, ўзлигини англаши ҳақида фикр юритилиб, инсон тарбияси бевосита унинг камолотига йўналтирилгандир. Мавлоно айтганидек: ”Инсоннинг ичи хуррият оламидир”<sup>1</sup>. Бу ўринда аввало маънавият тушунчасига таърифларни келтирсак ўринли бўлади.

“Маънавият миллатнинг асрлар давомида шаклланган маданий ривожланиши билан узвий боғлиқ бўлган ички интеллектуал ва сабит ҳиссий дунёсидир”<sup>2</sup>. “Маънавият - инсоннинг зот белгиси, унинг фаолиятининг таркибий қисми, онги, ақл-заковатининг маҳсули”<sup>3</sup>. “Маънавият-инсон руҳий ва ақлий оламини ифодоловчи тушунча. У кишиларнинг фалсафий, хуқуқий, илмий, бадиий, ахлоқий, диний тасаввурларини ўз ичига олади”<sup>4</sup>. Маънавият кўп қиррали ҳодиса бўлиб, ахлоқий (одоб, бурч, маъсулият туйғуси), илмий, ижодий, амалий малакалар (мехнат, ижодкорлик. Истеъдод, қобилият), диний, мафкуравий қарашларнинг яхлит бирлигидир”<sup>5</sup>.

Шундай экан, маънавият жиҳатлари ҳар қандай инсоннинг ҳаёти давомида ривожланиб борувчи қадриятларнинг ўзига хос бир тизимиdir. Инсон жамиятда шахс бўлиб шаклланишида одоб, ахлоқ, тарбия тушунчалари муҳим аҳамиятга эгадир ва у инсон фаолиятида янада ёрқин намоён бўлиб боради. Хулқ атвор меёрлари ҳеч ким томонидан аниқ бир назорат ёки тартибда белгиланмайди. Мавлоно айтганидек, ”Ўзинг билан жанг қилишда, ўз ахлоқингни тузатишдан бошла”<sup>6</sup>. Шундай экан, уни ҳар бир инсон ўзи мустақил равишда назоратда ушлайди.

Ғаззолий қарашларига кўра, кимда ахлоқий хислатлар мўътадил бўлса, демак, унинг хулқи гўзал бўлади. Бунда хулоса шуки, гўзал хулқнинг асоси тўртта: ҳикмат, шиҷоат<sup>7</sup>, иффат<sup>8</sup>,

<sup>1</sup> Жалолиддин Румий. Ичиндаги ичиндадур. Улуғбек Ҳамдам таржимаси-Тошкент.: Янги аср авлоди,2003.-Б.94

<sup>2</sup> Эркаев А. Маънавият- устун йўналиш.”Иқтисод ва хисоб” журнали.1996.№2-Б.20-22.

<sup>3</sup> Жалилов.А. Мустақиллик маъсулияти.-Т.: Ўзбекистон,1996.-Б.29.

<sup>4</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-жилд.-Т.:” Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2003.-Б. 540.

<sup>5</sup> Абдуллаев М.ва бошқ.Маънавият.-Фарғона,1999.-Б.22.

<sup>6</sup> Жалолиддин Румий. Ичиндаги ичиндадур. Улуғбек Ҳамдам таржимаси-Тошкент.: Янги аср авлоди,2003.-Б.145.

<sup>7</sup> Ғазабнинг ақл доирасида бўлиши.

<sup>8</sup> Дунёга боғлиқ барча истакларнинг ақл ва шариат билан тарбия топиши.



адолат. Қалбаги тўртта асоснинг мўтадил бўлиши, ахлоқнинг гўзал бўлишининг таъминлайди. Шу сабабли “ўрталик мўтадиллик ҳикматга хос фазилат<sup>9</sup>”, - дейди Газзолий.

Мутафакир гўзал хулқа икки йўл билан эришилади, - дейди. Биринчиси – илохий эхсон билан. Иккинчиси – қаттиқ меҳнат ва риёзат билан ҳосил бўладиган хулқ. Газзолий кимки бирорнинг хулқи ёмонлигидан шикоят қиласа, бу ўзининг хулқи ёмонлигидан далолат беради – дейди. Инсон хулқи ва одоби уни қуршаб турган маънавий муҳит ва инсонларнинг ўзига хос бир ойнаси эканлиги ушбу мисолда яққол намоён бўлади.

Нўширавон Бузуржмехрдан сўради: “Ким тарбия қилишга лойик”. Донишманд жавоб берди: ”Шундай кишига тарбия берилсинки, у одоблик ёки насаблик бўлсин. Ва ҳар кишининг зоти паст бўлса, “Ҳар нарса ўз аслига тортганидек, ҳар нарса ўз аслига қайтади”, ҳукми бўйича у ўз зотига тортади”.

Мавлоно Фирдавсий айтади, ҳар қандай тарбиянинг зохирий ва ботиний жиҳатлари мавжуд бўлиб, ҳар қандай ҳолатда ҳам улар қачондир ўзини барибир намоён қиласи. Одатда тарбия натижасида жамият фароғати юзага келади. Шунинг учун бу хусусида уч калима сўз ва бир фикр ёзилди. Энг биринчиси фарзанд (шаҳзодалар) тарбиясидир. “Мамлакат хазинаси”да айтилганки, фарзанд ҳақнинг омонатидир. Ота-она олдида машҳар вақтида бу омонат ҳаққи талаб қилинади<sup>10</sup>. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, ҳар қандай фарзандга она сути берилса ва унга чиройли ном танланса тарбиятидаги ўзига хос ўзгаришларни шунда кўриш мумкин бўлади. Қадимда фарзанд она сути билан бокилса, унинг табиати ўзгарувчан бўлади ва инсон пок дин, яхши хулқ билан унинг хизматини қиласи.

Аслида ахлоқ, хулқ ва атвон сўзлари арабча сўз бўлиб, улар ўзбек тилида ҳам ўз маъносида ишлатилади. Ахлоқ – ижтимоий онг формаси бўлиб, ижтимоий хаётнинг ҳамма соҳаларида инсоннинг хулқ-атворини йўлга солиб турадиган принциплар, талаблар, нормалар ва қоидалар мажмуидан иборат. Ахлоқда жамиятда таркиб топган «яхшилик», «шараф», «виждон», «адолат» сингари тушунчаларда мустаҳкамланган одамлар хулқ атвори, нормалари акс этади. Бу ахлоқий тушунчаларнинг ҳаммаси ҳам баҳоланувчи характерга эга. Ёш авлоднинг ахлоқий тарбиясида ахлоқий онг ва ахлоқий туйғуларни шакллантиришгина эмас, балки энг муҳими – ўқувчиларни уларнинг маънавий муносабатларида намоён бўладиган фаoliyatning ҳар хил турларига жалб этилиши мумкин. Ахлоқий муносабатлар – бу жамиятга, меҳнатга, одамларга ва қолаверса ҳар бир кишининг ўзига муносабатидир. Жамият тараққиёти тарихи шуни кўрсатадики, фақат маънавият кенг қулоч ёйган, илм тараққий этган мамлакатлардагина адолатли жамият куриш ва унда бир бирига меҳр - оқибатли самимий инсонлар шаклланиши мумкин. Бундай жамиятда одатда ҳалқнинг эртанги кунига ишончи ва бунёдкорлик, яратувчилик ишига эзгуликка интилиши кучли бўлади. Кишиларнинг бир-бирларига, оиласа, жамиятга бўлган муносабатларида намоён бўладиган ҳатти-ҳаракатлари, хулқ-атворлари, ўзаро одблари мажмуи муҳим ҳаётий аҳамият касб этади. Оиласа тарбиянинг биринчи куртакларини ота-она амалда кўрсатиб боради. Бу борада Абдурауф Фитратнинг “Оила” рисоласида бола тарбияси хусусида батафсил ёзилган. ”Фарзанд тарбияси аслида икки калимадан иборат. Шунинг учун ҳам назарингизда жуда майда муаммодек кўринади. Лекин доно одамлар биладиларки, Бани одамнинг сиёсий, диний, ижтимоий инқилобларининг асоси ана шу икки сўз-“бола тарбияси” дан иборат бирикмага боғлиқ. Бу ҳалқнинг харакат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-хурмат топиши, жаҳонгир бўлиши, заиф бўлиб хорликка тушиши, фақирлик жомасини кийиб, бахтсизлик юкини тортиб эътибордан қолиши, ўзгаларга тобе қул ва асир бўлиши, болалиқдан ўз ота-оналаридан олган тарбияларига боғлиқ”.

Ҳар қандай оиласа фарзанд тарбияси ҳеч қачон назоратдан четда қолмаслиги керак, чунки боланинг ақлий ҳамда жисмоний тарбияси жамият келажаги учун жуда муҳимдир. Фитрат бу

<sup>9</sup> Абу Ҳомид Газзолий. Риёзатун нафс (Нафс тарбияси). Тошкент. Моворуннахр. 2006.-186

<sup>10</sup> Ўша жой 241-б.



борада “Ахлоқий тарбия - одам ахлоқини камолга етказиш демакдир, яъни одамни шундай тарбия қилиш керакки, феъли ва амали ўзига ҳам бошқаларга ҳам фойдали ва манфаат келтирадиган бўлсин, бошқача айтганда, одамнинг феъли хуйи ва ҳаракатида яхши фазилатларни тарбиялаш демакдир”<sup>11</sup>. Ахлоқ жамиятнинг ўзгариши билан ривожланади ёки сўнади, аммо қандай ўзгариш бўлишидан қатъий назар у йўқолиб кетмайди ва даврга қараб такомиллашиб боради. Ахлоқнинг ижтимоий тараққиётида диннинг ўрни бекиёс. Шунинг учун ҳам дин ижтимоий ҳодиса бўлиб – тарбиявий жараёндир. Ахлоқ ва маънавият бир - бири билан ажralmas боғлиқ, чунки маънивияти пок авлодни ахлоқли тарбияли болалар ташкил этадилар.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Жалолиддин Румий. Ичиндаги ичиндадур. Улуғбек Ҳамдам таржимаси-Тошкент.: Янги аср авлоди, 2003.-Б.94
2. Эркаев.А.Маънавият-устун йўналиш.”Иқтисод ва ҳисоб”журнали.1996. №2-Б.20-22.
3. Жалилов.А. Мустақиллик маъсулияти.-Т.: Ўзбекистон,1996.-Б.29.
4. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-жилд.-Т.:”Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2003.-Б. 540.
5. Абдуллаев М.ва бошқ. Маънавият.- Фарғона,1999.-Б.22.
6. Абу Ҳомид Ғаззолий. Риёзатун нафс (Нафс тарбияси). Тошкент. Мовороуннаҳр.2006.-186
7. Sayfulloevna, A. M. (2020). The manifestation of the “Law on the unity of contradictions and struggle”. Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal, 10(11), 1625-1635.
8. Sayfulloevna, A. M. (2021, May). FUTUVVAT (CHIVALRY)-THE MAON FORM OF MORAL EDUCATION. In E-Conference Globe (pp. 162-167).
9. Sayfulloevna, A. M. (2021). Futuvvat (Chivalry)-The Basis of Moral Education. Central asian journal of literature, philosophy and culture, 2(4), 39-43.
10. Sayfulloevna, A. M. (2020). Reflection of the" law of unity and struggle of opposites" in the dialectic of Jalaliddin rumi. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, 24(8), 1996-2005.
11. Sayfulloevna, A. M. (2021). Spiritual and moral education issues in the works of eastern thinkers.
12. Faizullaevich, Z. S., & Sayfullaeva, A. M. (2020). Features of material culture of Bukhara. Test Engineering and Management, 83(5-6), 2740-2745.
13. Jobir o'g'li, Y. M., & Roziyabonu, S. (2022). 1-SINF MATEMATIKA DARSLARIDA GEOMETRIK MATERIALLARNI O'RGATISH. *THEORY AND ANALYTICAL ASPECTS OF RECENT RESEARCH*, 1(9), 132-137.
14. YARASHOV, M. (2023). The Place of Digital Technologies in the Education System. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz), 30(30).
15. YARASHOV, M. (2023). Methodology of Application of Digital Technologies in Primary Education. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz), 30(30).
16. YARASHOV, M. (2023). The Process of Creative Organization of Primary School Mathematics Education through Digital Technologies. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz), 30(30).
17. YARASHOV, M. (2022). Characteristics of International Integration of Sciences in Primary Schools. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz), 23(23).

<sup>11</sup> Ўша жойдан 88- б